

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«CHEVROLET COBALT»: ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Пойтахтимизда «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган янги «Chevrolet Cobalt» автомобилнинг тақдими бўлиб ўтди.



Тақдимот маросимида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида асос солинган Ўзбекистон автомобилсозлик саноати истиқлол йилларида халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятининг рамзига айлангани таъкидланди. Дунёнинг нуфузли компаниялари билан ўзаро тенглик ва манфаатли муносабатларни ўрнатишга осланган бу борадаги ривожланиш стратегияси жаҳон стандартлари даражасида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилгандир.

Юртимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар нафақат мамлакатимиз, балки бошқа давлатларда ҳам харидорларнинг ишончини тўла қозонмоқда. Автомобилларимиз дунёнинг турли давлатларига экспорт қилинмоқда. МДХнинг 104 шаҳрида уларни сотиш бўйича дилерлик корхоналари фаолият кўрсатаётир.

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ўз таркибида қарийб 40 компанияни бирлаштирган. Улар орасида Жанубий Корея, АҚШ, Италия, Германия, Голландия каби мамлакатлар капитали ва технологиялари иштирокида ташкил этилган корхоналар бор. Бу корхоналарда энгил автомобиллар, автобуслар, юк автомобиллари ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимиз автомобилсозлари истеъмолчиларнинг талаб ва таклифларини инобатга олган ҳолда, уларни тақомиллаштириш, моделлари турини кўпайтириш юзасидан мунтазам иш олиб бормоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва «General Motors» корпорацияси яна бир янги русумдаги автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

«Ўзавтосаноат» мутахассисларининг таъкидлашича, янги энгил автомобилнинг ишлаб чиқарилиши мамлакатимиз автосаноати янада изчил ва дадил ривожланаётганидан далолатдир.

«Chevrolet Cobalt» – «General Motors» томонидан тобора тараққий этиб бораётган бозорлар учун махсус ишлаб чиқилган мутлақо янги русумдаги автомобильдир. Ушбу автомобиль тўрт турда ишлаб чиқарилади.

«Cobalt» 1,5 литр ҳажмдаги тўрт цилиндрли, бензин билан ишлайдиган 106 от кучи қувватига эга ва 5 босқичли механик узатмали двигатель билан жиҳозланган. 100 километрга тахминан 6,2 литр ёқилғи сарфлайди. Ривожланиб бораётган бозорларда бу автомобиль В туркумига кирувчи ягона модель бўлади. Бундан ташқари, унинг 6 босқичли автомат трансмиссия ўрнатилган русумига ҳам буюртма бериш мумкин.

Беш киши учун мўлжалланган ушбу кенг салонли автомобиль йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида ён томонлари баланд анатомик ўриндиқлар билан жиҳозланган. Автомобиль кондиционер, қўйма дисклар, аудиотизим, хавфсизлик ёстиқчалари, электр кўзгулар ва автоматик трансмиссия билан жиҳозланган.

«Cobalt» автомобилнинг ажойиб дизайни, замонавий хавфсизлик тизими ва бошқа юксак сифат кўрсаткичлари компанияга уни нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам сотиш кўлами ва ҳажмини кўпайтириш имкониятини беради. Мутахассисларнинг фикрича, «Chevrolet Cobalt» харидорлар эътиборини тез қозонади. Ушбу янги модели ишлаб чиқариш ҳажми йилига 120 мингдан ошади ва яқин вақт ичида у сотувга чиқарилади.

ЎЗА.

Диққат, янги ҳужжат!

АВТОМАШИНА МОЙИНИ МАХСУС ШОХОБЧАГА ТОПШИРИНГ ЎКИ ИШЛАТИЛГАН МОЙ УЧУН ҲАМ ҲАҚ ТЎЛАНИШИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 сентябрдаги 258-сон қарори билан Ишлатилган техник мойларни топшириш, тўплаш, улар учун ҳисоб-китоб қилиш, уларни сақлаш ва ташиш тартиби тўғрисида низом (кейинги ўринларда – Низом) тасдиқланди.

Ушбу қарор республика Президентининг «Мотор мойларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини (22.05.2012 йилдаги ПҚ-1759-сон) бажариш юзасидан, шунингдек ишлатилган техник мойларни саноат асосида сўзсиз ва самарали утилизация қилишни ва атроф муҳитнинг муҳофазасини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Низомга мувофиқ техник мойларни ишлатувчи ўзининг ишлаб чиқариш ёхуд бошқа фаолияти жараёнида техник мойлардан фойдаланувчи жисмоний ёки юридик шахсдир. Низомда ишлатилган техник мойлар (ИТМ) чиқилишининг ҳисобланган нормативлари, ишлатилган техник мойларни топшириш, тўплаш ва сақлаш тартиби, ИТМни топшириш, тўплаш ва сақлашда қатнашувчи шахсларнинг умумий мажбуриятлари белгиланган.

Техник мойларни ишлатувчилар — **жисмоний шахслар** ИТМни техник мойларни алмаштириш шохобчаларига топширадилар.

Техник мойларни ишлатувчилар — **юридик шахслар:**

ИТМни махсус тўплаш шохобчаларига ва/ёки техник мойларни алмаштириш

шохобчаларига топширадилар;

техник мойларнинг айланишини ҳисобга олиш **дафтарини юридадилар**, унда муайян даврда олинган техник мойларнинг миқдори, фойдаланилган техник мойлар миқдори, ИТМнинг амалдаги чиқиш миқдори ва Низомга 2-иловага мувофиқ ҳисобланган нормативларга нисбатан ИТМни топшириш миқдори кўрсатилади;

ИТМни техник мойларни алмаштириш шохобчаларига ёки махсус тўплаш шохобчаларига топширадилар;

Низом талабларига мувофиқ ИТМ билан ишлашнинг ички тартибини тасдиқлайдилар ва **ўз ходимларини ўқитадилар.**

Техник мойларни алмаштириш шохобчалари билан ҳисоб-китоблар амалда топширилган миқдорлар учун:

юридик шахслар билан — ИТМни топшириш тўғрисидаги шартномага мувофиқ нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича;

жисмоний шахслар билан — **нақд пул билан**, шу жумладан янги мой ва транспорт воситаларининг техник мойларини алмаштириш бўйича кўрсатилган хизматлар нархидан **чегиришлар тарзида** амалга оширилади.

АВГУСТ ОЙИ УЧУН ТАҲРИРИЯТ ҲИСОБОТИ

Август ойида таҳририятимиз почтасига **53 та** (йил бошидан – **419 та**) ёзма мурожаат келиб тушди.

Газеталаримиз саҳифаларида **71 та** жавоб, шу жумладан куйидаги рукнларда: «Солиқ солиш» – **45 та**, «Божхона» – **12 та**, «Кадрлар бўлими» – **8 та**, «Юридик маслаҳатлар» – **12 та**, янги «Паспорт масалалари» рукнида эса – **2 та** жавоб чоп этилган.

«Бевосита мулоқот» лойиҳаси доирасида 200-00-59 телефони орқали **181 та** савол, «НОРМА» АҚТ фойдаланувчиларидан admin@norma.uz электрон почтасига эса **18 та** мурожаат келган. Лойиҳамизга мурожаат қилган ҳар бир кишига шахсан жавоб бердик.

Сайтимизга август ойида **28 000** киши кирган, **200 дан** ортиқ шарҳ қолдирилган. Куйидаги материаллар газетхонларимизда энг кўп қизиқиш уйғотди:

«Норма маслаҳатчи»нинг 14.08.2012 йилдаги 32-сонидан чоп этилган «Ўриндошнинг меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар» – **759** марта кирилган; шу сондаги «Гараж муаммоси: нима қилмоқ керак?» – **55 та** ташриф ва «СБХ»нинг 16.08.2012 йилдаги 33-сонидан чоп этилган «Тушумни бўлинг» – **445** ташриф.

Август ойида эътиборингизга мамлакатимиз қонун ҳужжатларининг 2012 йил 1 августдаги ҳолатига кўра тақдим этилган амалдаги барча имтиёзлар ҳақида тадбиркорга қўлланма – «Имтиёзлар – тадбиркор учун мадад» эксклюзив лойиҳасини ҳавола қилдик. Ушбу қўлланмани сентябрь ойида ҳам чоп этишни давом эттирамиз.

Обуна кампанияси қизгин давом этмоқда. Биз нашрларимизга обунани расмийлаштиришингизни яна ва яна эслатиб ўтамиз. Қизиқарли, фойдали мақолалар, маслаҳатлар, шарҳлар ва, албатта, совғалар сизни кутмоқда!



Юрист шарҳи

САВДО ФАОЛИЯТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЎКИ ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИГА ЯҚИНЛАШИБ

2012 йил 28 августда Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 253-сон қарори қабул қилинган бўлиб, у билан янгиланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари ва янгидан Ўзбекистон Республикасида савдо комплекслари фаолиятини ташкил этиш қоидалари тасдиқланди.

Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан чакана савдо қилишни тартибга солиш, уларни бозорларда сотиш амалиётидан воз кечиш ва чакана савдо фаолияти соҳасини ривожланган давлатлар жаҳон амалиётида мавжуд бўлган савдо ҳамда харидорларга хизмат кўрсатиш стандартларига ўтказиш билан боғлиқ.

Қонунчилик ва мавжуд амалиёт учун янги қабул қилинган ҳужжатда қандай жиддий янгиликлар назарда тутилган?

Энг муҳим позициялар – икита.

Биринчидан, савдо фаолиятини ташкил қилиш объектлари таркибининг қисқариши: буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар ундан чиқариб ташланди.

Иккинчидан, «савдо комплекси» таърифининг ва савдо фаолиятини ташкил қилишнинг ушбу

шаклини батафсил тартибга соладиган меъёрларнинг жорий қилиниши.

Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари, энг аввало, импорт товарлари чакана савдоси буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар форматидан бутунлай савдо комплекслари форматига ўтказилади.

Олдинги Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари (ВМнинг 28.07.2003 йилдаги «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 330-сон қарори билан тасдиқланган) билан:

буюм бозорларида – назораткасса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шохобчалари (шу жумладан савдо павильонлари, киоскалари) орқали, шунингдек савдо расталари ва савдо ўринларида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари, асосан илгари

ишлатилган товарлар билан чакана ва майда улгуржи олди-сотди қилиш;

ихтисослаштирилган бозорларда – товарларнинг айрим гуруҳлари: қурилиш материаллари, автомобиллар ва эҳтиёт қисмлар, тирик чорва моллари, қушлар, ҳайвонлар ва бошқалар билан савдо қилиш назарда тутилган эди.

Вазирлар Маҳкамасининг 253-сон қарорига мувофиқ юқорида келтирилганлар ичида бозор мақоми фақат илгари ишлатилган товарлар ва мол-мулк билан савдо қилиш объектлари учун – маҳаллий ҳокимият органлари томонидан махсус ажратилган майдонларда сақлаб қолинган. Янги ноозиқ-овқат товарлари, шу жумладан ихтисослаштирилган товарлар (қурилиш материаллари, автомобиль эҳтиёт қисмлари, аксессуарлар ва бошқалар) савдоси савдо комплексларида амалга оширилиши керак (озиқ-овқат бозорлари ва бошқа амалдаги бозорларда янги ноозиқ-овқат товарлари билан фақат турғун савдо шохобчалари орқали савдо қилишга рухсат берилган).

«Савдо комплекси» нима?

Расман савдо комплекси деганда чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасининг турғун

объектлари жойлашган ягона ер участкасида қурилган бино ва (ёки) иншоотга ёхуд бинолар ва (ёки) иншоотлар комплексига мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда эгалик қилувчи юридик шахс тушунади.

Содда қилиб айтганда, савдо комплекси – белгиланган тартибда умумий овқатланиш шохобчалари, банк бўлимлари ва бошқа шу каби инфратузилма элементлари билан боғлиқ ҳолда дўконлар жойлашган, туташ ҳудуди бўлган бир ёки кўп қаватли бино (бинолар)дир.

Савдо комплекслари доирасида савдо қилишнинг янги қоидалари жорий қилиниши муносабати билан шундай савол туғилади: бугунги кунда чакана савдо дўконлари жойлашган барча тоифадаги биноларга савдо комплекслари деб қараш керакми? Савол савдо комплексларининг барпо қилиниши ва фаолият юритишига жиддий талаблар қўйилганлиги билан боғлиқ, хусусан: маъмурий талаблар – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг савдо комплекси ташкил этиш учун ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорининг бўлиши;

Реклама

“AMIR-AUDIT” МЧЖ

Аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00942-сон лицензия.
УЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон
Республикасидаги
барча хўжалик юритувчи
субъектларда аудиторлик
текширувлари ўтказиши

Малака сертификатли
аудиторларни ишга қабул
қиламиз


Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш
Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99894) 644-62-23,
296-55-78; факс (8371) 296-52-15

ташкилий-техник талаблар – комплекс ҳудудиди бўлиши шарт бўлган мажбурий инфратузилма элементлари. Бу янги жорий қилинган қоидалар билан савдо комплексларига нисбатан қўйилган талабларга жавоб бермайдиган савдо шохобчалари жойлашган барча бинолар маҳаллий ҳокимият органлари руҳсатини олгунга ва қайта жиҳозлангунга қадар ёпилиши кераклигини англатадими? Чакана савдо дўконлари жойлаштирилиши учун бино курмоқчи бўлган шахсларга шу мақсадда ҳокимият руҳсатномасини олиш барча ҳоллар талаб қилинадими?

Чакана савдо соҳасидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган ана шу саволларга жавобларни кейинги сонда ўқийшингиз мумкин.

Артём МОКШИН,
«Норма» эксперт юридик
хизматининг раҳбари.

Реклама

МУЗЛАТКИЧ ВА САВДО
УСКУНАЛАРИ

Тошкент ш., Боғишамол кўч., 160
Тел.: (+998 71) 234-34-75, 234-12-69
235-11-30, 216-09-00, 217-09-57

WWW.AZN.UZ

E-mail: azn@azn.uz
маҳсулот сертификатланган

Эълонлар

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*.
Тел.: 926-32-23.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, (+99890) 346-16-89.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. - Кадастр*. Тел. (+99890) 346-16-89.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*.
Тел. (998 90) 370-63-06.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

ХИЗМАТЛАР

Инвентаризация. Бухгалтерия ҳисоби. Кузатув. Таъсисчилар. Кўчмас мулк. Очиш. Тугатиш.

Тел. 806-28-46; факс 278-11-66.

E-mail: 49koshelev@mail.ru

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.

Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан.

Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ,
ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|-------------|------------|-------------|---------|---------|----------|--------------|----------|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 10.09.2012 | 1 | 0,7852 | 1 | 1,0041 | 1 | 0,0248 |
| Арманистон | 07.09.2012 | 1 | 412,02 | 1 | 522,4 | 1 | 12,87 |
| Беларусь | 08.09.2012 | 1 | 8430 | 1 | 10680 | 1 | 263,5 |
| Грузия | 08.09.2012 | 1 | 1,6559 | 1 | 2,1028 | 1 | 5,1724 |
| Қозоғистон | 08.09.2012 | 1 | 149,49 | 1 | 189,39 | 1 | 4,67 |
| Қирғизистон | 08.09.2012 | 1 | 47,4652 | 1 | 60,1384 | 1 | 1,4826 |
| Латвия | 10.09.2012 | 1 | 0,556 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0174 |
| Литва | 10.09.2012 | 1 | 2,7318 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,5247 |
| Молдова | 10.09.2012 | 1 | 12,4418 | 1 | 15,7893 | 1 | 0,3901 |
| Тожикистон | 08.09.2012 | 1 | 4,7645 | 1 | 5,9843 | 1 | 0,1504 |
| Ўзбекистон | 11.09.2012 | 1 | 1930,25 | 1 | 2431,34 | 1 | 60,29 |
| Украина | 10.09.2012 | 100 | 799,3 | 100 | 1015,591 | 10 | 2,4967 |
| Эстония | 31.12.2010 | 1 | 11,7107 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,383246 |
| Россия | 10.09.2012 | 1 | 32,0142 | 1 | 40,4820 | - | - |

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ СОНДА:

✓ УСТУВОРЛИКЛАР

– «Chevrolet Cobalt»: Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган
– Автомашина мойини махсус шохобчага топширинг **1-бет**

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Савдо фаолияти янгиликлари **2-бет**

✓ БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

– ЎзР Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуру-

ҳини мукофотлаш тўғрисида» Фармони (Кўчирма)

– Электр таъминоти: истеъмолчилар юқори кучланиш зонасида

– ХУМШ учун «тез ёрдам»

– Қувурларни ўз ҳисобимиздан таъмирлаймиз

– Умумий йиғилишнинг қарорига кўра **3-6-бетлар**

✓ **АМАЛИЙ ТАКЛИФ**

– Обуна давом этмоқда! **7-8-бетлар**

✓ **БЕВОСИТА МУЛОҚОТ**

– Яккабошчилик қоидаси амал қилади
– Муддатдан аввал пенсияга **7-8-бетлар**



МУНДАРИЖА:

- ✓ ЎзР Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» Фармони (Кўчирма)
- ✓ Электр таъминоти: истеъмолчилар юқори кучланиш зонасида
- ✓ ХУМШ учун «тез ёрдам»
- ✓ Кувурларни ўз ҳисобимиздан таъмирлай-миз
- ✓ Умумий йиғилишнинг қарорига кўра

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА
БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ
ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР
ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ
ТЎҒРИСИДА
(Кўчирма)**

Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматиغا сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Юсупов Абдулла – Хива туманидаги 4-хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Хоразм вилояти



«Шухрат» медали билан

Атаханов Каримжон Собирович –

Наманган шаҳридаги «Маърифат кўмак» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Наманган вилояти

Билалов Усман Али угли –

Қарши шаҳридаги «Манзилобод» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Қашқадарё вилояти

Жалилов Асалбой Норбоевич –

Самарқанд шаҳридаги «Сардор» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати муҳандиси, Самарқанд вилояти

Иркабаева Сафия Хайдаралиевна –

Кўқон шаҳридаги «Ҳавоқанд-бино» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Фарғона вилояти

Кайпова Ажаргуль Далиевна –

Нукус шаҳридаги «Хўжалик» хусусий уй-жой мулк-

дорлари ширкати раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Кучкарова Шохида Адинаматовна –

Ангрен шаҳридаги «Улуғбек» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент вилояти

Мирхамидов Мирзаабдулло Кахраманович –

Ҳамза туманидаги «Зебо Шамс» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

Умаров Кадир Маликович –

Янгиер шаҳридаги «Наримон» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Сирдарё вилояти

Юн Раиса Павловна –

Балиқчи туманидаги «Оқ том» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Андижон вилояти

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 24 август.

«Халқ сўзи» газетаси, 2012 йил 25 августдаги 167 (5587)-сон.

*Таҳририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ: ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ЮҚОРИ КУЧЛАНИШ ЗОНАСИДА



Электр энергияси таъминотчилари ва истеъмолчиларининг ўзаро муносабатлари таранглигича қоляпти. Бунинг устига иккала тараф бир-бирига нисбатан даъво қилишдан чарчамайди. Истеъмолчилар кўпинча электр таъминотидаги узиб қўйишлар ва танаффуслар; кучланишнинг кўтарилиши оқибатида маиший техника ишдан чиқиши; асоссиз равишда қарзларнинг ҳисоблаб ёзилиши; тарифларнинг нотўғри қўлланиши; ҳудудий электр тармоқлари корхоналари (ХЭТК) инспекторларининг қонун ҳужжатларини бузиши ва ана шу ҳуқуқбузарликлар учун жавоб бермаслиги хусусида шикоят қиладилар. Таъминотчилар эса истеъмолчилар Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари¹ (бундан кейин – Қоидалар), электр таъминоти шартномалари шартларига риоя этмаслигидан шикоят қиладилар; электр ҳисоблагичлар ишига ғайриқонуний аралашишлари, электр энергиясини ўғирлашлари, пломбаларни бузишлари, электр қабул қилгичларни ноқонуний улашлари каби ҳолатларни мисол қилиб келтирадилар.

Ўтган сонда биз истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилувчи Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг (бундан кейин – Кўмита, Монополиядан чиқариш давлат кўмитаси) фаолияти, ушбу масалалар қандай ҳал қилинаётганлиги, шунингдек уларни қандай муаммолар юзага келтираётганлиги тўғрисида ҳикоя қилишни бошлаган эдик. Бу сонда газетхонларни Кўмитага келиб тушаётган ва электр таъминоти соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари камситилишига бевосита боғлиқ мурожаатлар билан таништиришда давом этамиз. Бу мавзуда Монополиядан чиқариш давлат кўмитасининг реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиқ ўринбосари Акбаржон АБДУРАЗ-ЗОҚОВ билан суҳбатлашдик.

ТАРИФ ОШИРИЛДИ. ҚАРЗ ҚАНДАЙ ТўЛанади?

Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларининг 118-бандида назарда тутилишича, тариф ўзгарганда тариф алмашган санагача истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми аввалги тўлов пайтидан бошлаб ўртача суткалик истеъмолга қараб белгиланади ва эски тарифда тўланади. Ҳисоб-китоб асбоблари кўрсаткичлари тўлов кунида олинган ҳисобланади.

Кўмитанинг ҳудудий органлари жойлардаги ушбу ҳолатни танлаб олиб ўрганишди. Фарғона вилоятининг ўзидагина 6 тумандаги электр тармоқлари корхоналари Қоидаларнинг ушбу бандини бузиб, тариф ўзгарганда истеъмолчиларга 10 млн сўмни асоссиз равишда ёзганлар. Уларга қайта ҳисоб-китоб қилишга кўрсатма берилди.

Ушбу ҳолда истеъмолчилар ўз ҳуқуқларидан хабардор эмаслиги туфайли бу ҳол юз берган. Иккинчи тараф фуқароларнинг ҳуқуқий саводсизлигидан фойдаланмоқда. Албатта, агар улар талаб қилсалар, коммунал хизматлар таъминотчилари уларга қайта ҳисоб-

китоб қилиб беришлари керак, бундан бош тортилган тақдирда эса фуқаролар судга мурожаат қилишлари мумкин. Бироқ, шу вазиятга тушмаслик ва муаммолар туғдирмаслик учун улар ўз ҳуқуқларини би-лишлари керак.

ИНДУКЦИОН ҲИСОБЛАГИЧНИ ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАГИЧГА АЛМАШТИРАМИЗ

2009 йилдан бошлаб мамлакатда Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини (ЭИХНАТ) жорий этиш иши бошланди. У электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини модернизациялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 5.06.2009 йилдаги 150-сон қарорига² мувофиқ амалга ошириляпти. Ҳужжатда истеъмолчиларни электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий электрон асбоблари билан жиҳозлаш назарда тутилган, ЭИХНАТ билан мувофиқлаштирилган замонавий электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш жадваллари, муддатлари белгиланган. Улар аниқликнинг

¹ВМнинг 22.08.2009 йилдаги 245-сон қарорига 1-илова.

²ВМнинг «Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

юқори бўлиши таъминлайди, ҳақини тўламасдан электр энергиясидан рухсатсиз фойдаланиш ва уни истеъмол қилишнинг олдини олади, инсон омили таъсирини камайтиради.

Истеъмолчиларнинг бир қатор мурожаатлари электрон ҳисоблагичларни алмаштириш ва ўрнатишнинг турли жиҳатларига тааллуқлидир. Аввало фуқароларни буларнинг ҳаммаси кимнинг ҳисобига амалга оширилиши кераклиги қизиқтиради. 150-сон қарорнинг 5-бандига ҳамда Қоидаларнинг 103-бандига кўра **маиший истеъмолчиларда (жисмоний шахсларда) мавжуд ҳисоблагичларни алмаштириш ва ЭИХНАТга уланадиган электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий электрон асбобларини ўрнатиш «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.** Ҳисобга олиш истеъмолчининг айби билан бузилганда эса (ток ва кучланишни ўлчаш трансформаторларининг, шунингдек иккиламчи коммутациянинг ишдан чиқиши, ҳисобга олишнинг ҳисоб-китоб асбоблари шикастланиши ва уларнинг йўқолиши) **ҳисобга олиш асбобларини алмаштириш, таъмирлаш, давлат текшируви ва уларни ўрнатиш истеъмолчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилиб**, ҳудудий электр тармоқлари корхонасига улаш хизматлари ҳақи тўланади (Қоидаларнинг 46-банди).

Агар уйлар ва квартираларда электр тармоғига янгидан уланадиган асбоблар тўғрисида сўз бораётган бўлса, **ЭИХНАТга уланадиган электр ҳисоблагичлар эгаси томонидан харид қилинади**, унинг ҳисобига давлат текширувидан ўтади ва рўйхатдан ўтказиш учун ХЭТКга топширилади (Қоидаларнинг 103-банди).

Қоидаларга кўра (39-банд) энергия таъминоти ташкилоти билан ҳисоб-китоб қилиш учун истеъмолчилар албатта ЭИХНАТга мувофиқ келадиган ҳисобга олишнинг электрон ҳисоб-китоб асбоблари билан таъминланган бўлишлари керак. Баъзи фуқаролар, ТЭТ ходимлари улардаги ҳисоблагични электрон ҳисоблагичга алмаштиришларини кутмай (режали алмаштириш доирасида), уларни сотиб оладилар ва ўз ҳисобларидан ўрнатадилар. Бу ҳисобга олиш асбоби яроқсиз ҳолга келган ёки шикастланган вазиятда қилинади. Ушбу ҳолда электр тармоқлари корхонаси уларнинг харажатларини компенсацияламайди. Аҳолининг маълум қисмига назорат ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига мувофиқ келмайдиган электрон ҳисоблагичлар ўрнатилган. **Таъминотчилар уларни ЭИХНАТга уланадиган замонавий асбобларга бепул алмаштиришлари керак.**

Электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини текшириш зарурати ҳам тўхталиб ўтсак. Қоидаларнинг 48-бандига кўра **ҳисобга олиш асбобларининг вақти-вақти билан текширилиши «Ўзстандарт» агентлиги белгилаган муддатларда истеъмолчининг маблағлари ҳисобига ўтказилиб**, унда ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакили иштирок этиши шарт. Мажбурий давлат текширишидан ўтказиладиган ўлчов воситаларининг номенклатура рўйхатига («Ўзстандарт» агентлиги бош директорининг 2007 йилдаги буйруғи билан тасдиқланган) мувофиқ электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари учун текширишлар ўртасидаги интервал 4 йилда 1 марта этиб белгиланган. Агар текшириш муддати келган бўлса, истеъмолчилар уни «Ўзстандарт»нинг метро-

логия хизматларида ўтказишлари керак.

Мурожаатларнинг анча қисми ҳисоблагичлардаги пломбалар ҳолатига тааллуқли. Масалан, назоратчи пломбада тамга тасвири аниқ эмас ёки пломба давлат стандартига мувофиқ эмас деб эътироз билдиради. Ушбу вазиятни фақат «Ўзстандарт»нинг эксперт текшириши ҳал қила олади. Назоратчи далолатнома тузиши, истеъмолчи эса ариза ёзиши ва ҳисоблагични далолатнома билан бирга экспертизага бериши керак. Пломбадаги ноаниқ из ҳисобга олиш асбоби ўрнатилган пайтдаёқ бўлган, истеъмолчи эса бунга эътибор бермаган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Шу боис ҳисоблагич ўрнатилаётганда жуда эътиборли бўлиш керак.

ЭЛЕКТР УЗАТИШ УСТУНЛАРИДА ҲИСОБГА ОЛИШ АСБОБЛАРИ

Қоидаларда электрон ҳисоблагичнинг бут сақланиши учун жавобгарлик истеъмолчилар зиммасига юкланган. Ҳисоблагич уларнинг хусусий мулки, шу сабабли фуқароларнинг ўзлари улар ўрнатилган шчитлар, дарвоқе, йўлаклар каби, ёпиқ туришини таъминлашлари керак. Истеъмолчилар ҳисобга олиш асбоблари ўз мулкимиз экан, уларни ўз квартираларимизда ўрнатишимиз мумкинми, деб сўрашади. Улар бу ҳолда ҳисоблагичлар 100 фоиз бут сақланиши мумкин бўлади деб ишонадилар, зеро уларни квартирадан ҳеч ким ўғирламайди.

Яна Қоидаларга мурожаат қиламиз. 44-бандда белгиланишича, кўп квартирали турар жойларда электр энергиясини ҳисоб-китоб қилиш учун ҳисобга олиш асбоблари ҳар бир квартирада махсус ажратилган жойларда ўрнатилади. Қоидаларга кўра бу электр тармоғининг баланс мансублиги чегарасида қилиниши керак. Лойиҳага кўра зинапоя майдончаларида электр шчитлар назарда тутилмайдиган кўп квартирали турар жойларда ҳисобга олиш асбоблари электр шчитларда, яъни йўлакларда ўрнатилади.

Зинапоя майдончалари ҳам кирадиган уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг жавобгарлиги остидадир. Қоидаларда назарда тутилишича (98-банд), зинапоя майдончаларида ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилганда уларни бут сақлаш учун жавобгарлик ширкатга ёки турар жойга эгалик қиладиган ташкилотга юкланади. Зинапоя майдончаларида ўрнатилган ҳисоблагичлар шикастланган ёки ўғирланган тақдирда ширкат уларни ўз ҳисобидан тиклаши шарт. Амалда буни амалга ошириш муаммолари, чунки ХУМШларнинг кўпчилиги молиявий қийинчиликларни бошидан кечиряпти. Бироқ ҳисоблагичларнинг бут сақланиши учун шартшароитларни таъминлаш – ширкатларнинг бевосита бурчидир.

Бунда яна бир жиҳатни қайд этиб ўтиш лозим. Лойиҳаларида аввал-бошдан барча қаватларнинг йўлакларидида пўлат электр шчитлар бўлиши назарда тутилмаган турар жойлар мавжуд. Бундай вазиятда нима қилиш керак? Агар таъминотчилар ҳисоблагичларни квартирадан ташқарига олиб чиқиш зарур дея талаб қилсалар, зинапоя майдончаларини шчитлар билан жиҳозлаш мақсадга мувофиқдир.

Квартиралардаги ҳисоблагичлардан ташқари, кўп квартирали турар жойларда уйдаги умумий эҳтиёжларга (зинапоя майдончалари, ертўлаларни ёритиш, лифтлар, насослар ишлаши ва ҳока-

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



золар) сарфланадиган электр энергиясини ҳисоб-китоб қилиш учун ҳисоблагичлар ҳам ўрнатилади.

Кейинги вақтда яқка тартибдаги уйларда ҳисобга олиш асбоблари билан боғлиқ жиддий масала юзага келди. Бизга **Тошкентдаги Миробод тумани фуқаролари** мурожаат қилдилар, уларнинг айтишларича, Миробод ТЭТнинг талабига кўра ҳисоблагичлар мажбурий тартибда кўчага олиб чиқилиб, кучланиш бевосита юқори вольтли линияларга уланган ҳолда **магистрал юқори вольтли линиялар устунларига ёки газ қувури билан ёнма-ён уй деворларига** ўрнатилаётган экан. Ҳисоблагичлар, ток оладиган ва узатадиган электр симлари кўчанинг қўриқланмайдиган ҳудудига чиқиб қолиб, уларга ҳар қандай шахс дахл эта олади. Фуқаролар ҳисоблагичларни кўчага олиб чиқиш назарда тутилмаган Қоидаларга ҳавола қилмоқдалар. Уларнинг айтишларича, ҳисоблагичлар олиб чиқилганда электр тармоқлари баланс мансублигининг чегаралари (*Қоидаларнинг 3-банди*); ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш жойлари; фойдаланилаётган электр тармоқлари ва асбобларининг лозим даражадаги техник ҳолати ва хавфсизлигини таъминлаш шарт-шароитлари; тарафларнинг жавобгарлиги ҳам ўзгармоқда. Миробод ТЭТ ушбу ўзгаришлар акс эттириладиган янги шартномани тақдим этиши керак, бироқ у бундай қилмаяпти. Фуқаролар ҳисоблагичларни қайта ўрнатиш ва электр энергияси етказиб бериш билан боғлиқ барча ўзгаришлар юридик жиҳатдан белгиланмаган деб ҳисобламоқдалар. Уларнинг фикрича, улар техник қоидаларни жуда кўпол равишда бузишган ҳолда олиб чиқилаяпти, бу эса фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдид солади, ҳисоблагичлар ва электр симларнинг оммавий равишда ўғирланиши, шикастланиши, пломбалари олиб ташланиши каби ҳуқуқбузарликларга замин яратиши мумкин. Бунда уларнинг бут сақланиши учун жавобгарлик эса бунда истеъмолчилар зиммасига юкланган.

Муаммони ўрганарканмиз, биз вазиятни жойнинг ўзига чиқиб ўрганган ваколатли идораларнинг нуқтаи назари билан ҳам танишдик. **«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси** ишлар қоидаларни кўпол бузган ҳолда бажарилганлиги, фуқароларнинг мурожаатида келтирилган далиллар асосли эканлигини қайд этди. **«Тошкентгазтаъминот» УКнинг «Тошкентшаҳаргаз» филиали** маълум қилишича, Ўзбекистон Республикаси газ хўжалигида хавфсизлик қоидаларига кўра, очиқ изоляцияланган кабеллар ер усти газ қувури билан параллель ўтказилганда улар орасидаги масофа камида 0,5 метр бўлиши керак, очиқ изоляцияланган кабель ер усти газ қувури билан кесишганда электр кабель электр изоляция материалдан (резина, эбонит, полиэтилен ва бошқалар) ясалган қувур ичига олинади. Мазкур ҳолда бу иш қилинмаган, бу эса хавфсизлик қоидаларини бузишдир. **«Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг** хатида таъкидланишича, «электр энергиясини ҳисобга олишнинг ҳисоб-китоб асбобларини яқка тартибдаги уйлардан электр узатиш линияларининг устунлари, уйларнинг пештоқлари ва бошқа жойларга кўчириб чиқишнинг мажбурийлиги назарда тутилмаган». Кўп ҳолларда ҳисобга олиш асбобларини монтаж қилиш ва ўрнатиш меъёрлар ҳамда қоидаларнинг талабларини бузган ҳолда амалга оширилган, бу эса ноҳўя оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунинг учун

жавобгарлик «Ўзбекэнерго» ДАК ҳудудий электр тармоқлари корхоналари зиммасига юкланади».

«Ўзбекэнерго» ДАКнинг бу масала юзасидан нуқтаи назари қуйидагича: «ХЭТК билан истеъмолчилар ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун электр энергияси таъминотчи ва истеъмолчи электр тармоқларининг баланс мансублиги чегарасида ҳисобга олинади. Қоидаларнинг 34-бандида ҳавода тармоқланганда баланс мансублиги чегараси бино ёки қувур устунда ўрнатиш дастлабки изоляторларда белгиланган. Бироқ бу, таъминотчиларнинг ёзишича, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичларни олаётганда истеъмолчилар ва ХЭТК вакиллари учун муайян қийинчиликлар туғдиради. Ҳисобга олиш асбобларини турар жойларнинг пештоқлари, электр узатиш линияларининг устунлари ва кўп квартиралар турар жойлардаги махсус шчитларга олиб чиқиш берилган электр энергияси учун қарзларни қисқартириш бўйича ҳаракатлар режасига мувофиқ амалга оширилади. Ҳисобга олиш асбобини турар жойнинг ичига ўрнатиш энергия таъминоти корхонаси ходимларининг кўрсаткичларни ўз вақтида олиши, ҳисобга олиш асбоблари ишига аралаштириш ва ҳисобга олмасдан истеъмол қилиш ҳолларини аниқлашни қийинлаштиради. Амалиётнинг кўрсатишича, ҳисобга олиш асбобларини турар жойларнинг пештоқларига олиб чиқиш натижасида электр энергиясини амалда истеъмол қилиш ўртача 34,14%га кўпаяди. Электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини баланс мансублигини бўлиш чегарасига олиб чиқиш амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга биноан амалга оширилади ва мақсадга мувофиқдир. Ҳисобга олиш асбобларини ўрнатишда йўл қўйилган техник ва ёнғин хавфсизлигини бузиш ҳоллари бар-тараф этилади».

Мазкур ҳолда таъминотчилар, асосан идоравий манфаатларини кўзлаб, истеъмолчилар учун хавфсизлик, қулайлик масалаларини, энг асосийси эса қонун ҳужжатларини назар-писанд қилмаяптилар. Ҳисоблагичлар кўчага олиб чиқилганда уларга исталган шахс дахл қила олади, бироқ уларнинг бут сақланиши учун жавобгарлик яшовчиларнинг зиммасида қолаверади. Электр узатиш устунларида ҳисобга олиш асбоблари инсон бўйидан анча юқорига ўрнатилади. Бир қатор ҳолларда нарвондан фойдаланишга тўғри келади, бу эса истеъмолчилар кўрсаткичларни олишни қийинлаштиради ёки бунга умуман имкон бермайди. Мантиқан олганда, агар таъминотчилар бунинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини асослаган ҳолда шу талабни қўяр эканлар, ҳисоблагичларнинг бут сақланиши учун жавобгарликни ҳам ўз зиммаларига олишлари керакдир. Бунда Қоидаларга ўзгартириш киритиш керак бўлади. Ҳисобга олиш асбобларини юқори вольтли линиялар устунларига ўрнатишнинг қанчалик асосланганлиги тўғрисида таъминотчилар умуман оғиз очмайдилар. Албатта, аҳолининг тўловларни тўламаслиги – жиддий муаммо, бироқ буни ҳуқуқий доирада ҳал қилиб, қонун ҳужжатларини бузмаган ҳолда истеъмолчиларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини камситмаслик керак.

Агар таъминотчилар кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини яхшилашга интисалар, истеъмолчилар эса ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаб етсалар, бу ҳол электр таъминоти соҳасида ижобий ўзгаришларга эришиш имконини беради. ☉

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



ХУМШ УЧУН «ТЕЗ ЁРДАМ»

Жуда кўп ҳолларда ширкатда унинг режаларини жиддий тарзда ўзгартириши мумкин бўлган кутилмаган вазиятлар юз бериши мумкин. Ҳар кимнинг бошига тушиши мумкин бўлган авариялар бунга мисол бўла олади. Материаллар ва хизматлар нархининг кескин ошиши туфайли режалаштирилган ишлар ҳам амалга ошмай қолиши мумкин. Кўпинча ширкат аъзоларининг бадал тўламасликлари ҳам мўлжалланган ишларни йўққа чиқариши ва барча режаларни барбод қилиши мумкин. Уйда яшовчилар тасдиқланган ишлар режалари, даромадлар ва уйдаги умумий мол-мулкни сақлаб туриш харажатлари сметаларини амалга оширишига тўсқинлик қиладиган у ёки бу форс-мажор ҳодисаси туфайли умидларидан воз кечишларига сабабчи бўладиган бошқа сабаблар ҳам оз эмас.

Қонун ҳужжатлари ширкатда бундай кутилмаган эҳтиёжлар, смета қабул қилинган пайтда назарда тутилмаган харажатларни қоплаш учун «тез ёрдам» ташкил этишга имкон беради. Бу – **резерв фонд**. Уларнинг маблағларидан устав мақсадларида фойдаланган ҳолда махсус фондларни ташкил этиш имконияти «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин – ХУМШ тўғрисидаги Қонун) 15-моддасида тақдим этилган. ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 19-моддасида назарда тутилишича, ХУМШнинг махсус фондларини тузиш ва улардан маблағлар сарфлаш тартибини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколатларига тааллуқлидир. ХУМШ Намунавий уставининг* 11.3-бандида бундай фондлар сирасида резерв фонд ҳам бўлиши мумкинлиги аниқлаштирилган.

Қонун ҳужжатларида резерв фонд маблағларидан фойдала-

ниш пайтида қандай доирадан чиқмаслик кераклиги белгиланмаган. Уларни қаерга йўналтириш ва нима учун фойдаланиш тўғрисида қарорни ҳар доим ширкат аъзолари чиқарадилар. Шундай бўлса-да, резерв фонд ХУМШнинг умумий мол-мулкни сақлаб туриш, жорий таъмирлаш, ер участкасини тутиб туриш билан боғлиқ кўзда тутилмаган харажатлари учун ташкил этилади. Агар унинг жамғармалари бошқа ишларга сарфланса, бу ҳолда уни ташкил этиш мақсади ўзгаради. Фонд «соғин сигир»га айланиб, асосий вазифасини бажармайди.

Резерв фонд қандай маблағлардан шакллантирилади? Бу масалани ҳал этиш ҳам ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши кўриб чиқишига берилади. Бунинг учун ширкат бюджети нималардан шаклланишини эслаш лозим. ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 37-моддасига ва ХУМШ Намунавий уставининг 9.3-бандига мувофиқ ширкатнинг пул маблағлари ширкат аъзола-

ри ва нотурар жойлар мулкдорларининг мажбурий ойлик, ихтиёрий бадаллари; юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари; тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар (фойда); қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ва тушумлардан шакллантирилади. Ширкат аъзолари умумий йиғилишда резерв фонд манбалари, уни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартибини, унга маблағлар қандай тушумлар ҳисобига ва қанча ҳажмда ўтказилишини белгилашлари керак.

Резерв фонд маблағларидан фойдаланиш устидан ким назорат қилиши керак? Бу ширкат тафтиш комиссиясининг хос ҳуқуқидир. ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ у ҳар йили молиявий йил якунлари бўйича ХУМШнинг молия-хўжалик фаолиятини, шу жумладан резерв фонд маблағларидан фойдаланилишини текшириши, текшириш якунлари бўйича хулосалар тайёрлаши ва уларни ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига тақдим этиши шарт.

*ВМнинг 30.05.2006 йилдаги 100-сон қарорига 1-илова.

«Коммунал-Сервис» ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган 20 ___ йил ___ даги ___ сон баённома

«КОММУНАЛ-СЕРВИС» ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТИНИНГ РЕЗЕРВ ФОНДИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ*

1. Мазкур Низом Уй-жой кодекси, «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун, «Коммунал-Сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган, ширкат Резерв фондининг мақсадлари, манбалари ва таш-

кил топиш, унинг маблағларини сарфлаш тартиби ҳамда Резерв фонд маблағларидан фойдаланиш устидан назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг қарори Резерв фондни ташкил этиш учун асос ҳисобланади.

*Мисол сифатида берилаяпти.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

3. «Коммунал-Сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг Резерв фондини ташкил этишдан мақсад умумий мол-мулкни бошқариш ва сақлаб туриш фаолияти жараёнида юзага келиши мумкин бўлган **ХУМШнинг кутилмаган эҳтиёжлари учун кейинроқ фойдаланиш** ҳамда сметани шакллантириш пайтида назарда тутилмаган зарарлар ва харажатларни қоплаш **мақсадида молиявий резервларни** ташкил этиш ҳисобланади.

3.1. Ширкатнинг кутилмаган эҳтиёжлари куйидагилар билан боғлиқ бўлиши мумкин:

кўп квартирали уй ва ер участкасида фавқулодда ҳамда авария вазиятларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш;

мажбурий ойлик бадалларни тўлаш бўйича жойлар мулкдорларининг қарздорлиги юзага келтирган, ширкат шартномалари бўйича ўз вақтида тўлаш учун маблағларнинг етишмаслиги;

пудратчиларнинг материаллари ва хизматларига нархларнинг умумий мол-мулкни сақлаб туриш ва таъмирлаш билан боғлиқ ўсиши;

ширкатнинг ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши маъқуллаган ва ширкатнинг устав мақсадларидан ташқарига чиқмайдиган айрим лойиҳаларини (масалан, ҳудудни ободонлаштириш бўйича) амалга ошириши;

ХУМШ Уставида назарда тутилган ёки умумий йиғилишнинг қарори билан тасдиқланган бошқа эҳтиёжлар.

3.2. Резерв фондини тўлдириш ва унинг маблағларини тасарруф қилиш ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг қарори билан амалга оширилади.

3.3. Резерв фонд куйидаги маблағлар ҳисобига шакллантирилади:

ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланган миқдорда ширкат аъзолари ва нотурар жойлар мулкдорлари мажбурий ойлик бадаллари қисми;

ширкат аъзолари, нотурар жойлар мулкдорлари, бошқа шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ва хайр-эҳсонлари;

ширкат сметаси даромад моддаларининг тегишли харажат моддаларидан ошиши натижасида ҳосил бўлган маблағлар (тежаш);

ширкатнинг тадбиркорлик фаолиятидан, шу жумладан мулкдорлар умумий мол-мулкнинг бир қисмини ижарага беришдан, бошқа хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар (агар ушбу даромадлар сметанинг тегишли харажат моддалари бўйича тақсимланмаган бўлса);

ширкат бадалларини депозитда жойлаштириш;

ХУМШ коммунал тўловларнинг тўлиқ йиғилишини таъминлашга ёрдам бергани учун коммунал хизматлар корхоналаридан олинган воситачилик ҳақлари;

ширкат томонидан, шу жумладан суд тартибида, пеня, жарималар ва ҳоказо тарзда жарима санкцияларини ундиришдан олинган суммалар;

сметада назарда тутилмаган, ХУМШ тегишли молия йилида олган бошқа даромадлар (режадан ташқари даромадлар).

3.4. ХУМШ Резерв фондининг миқдори чегараланмаган.

4. Жойлар мулкдорлари Резерв фонддан пул маблағлари берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

5. Фонд маблағлари мазкур Низомга мувофиқ сарфланади.

6. Резерв фонд маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

7. Ширкат бошқаруви ўз ваколатлари доирасида ХУМШнинг Резерв фондини тезкор бошқаради ва маблағларни кейинчалик қилинган харажатларни ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида албатта тасдиқлаган ҳолда сарфлайди.

8. Резерв фонд маблағларини сарфлаш тўғрисидаги қарорда куйидагилар кўрсатилиши керак: маблағларнинг қандай эҳтиёжларга сарфланиши; харажатларнинг умумий зарур суммаси; маблағларни олувчи; маблағларни тўлаш муддати.

9. Резерв фондининг ҳолати ва унинг маблағларини сарфлаш тўғрисидаги ахборотни ширкат бошқаруви молиявий йил тугаганидан кейин мулкдорларга тақдим этади.

10. Резерв фондининг молия йили охирида сарфланмаган маблағлари кейинги йилга ўтади.

11. Резерв фондининг пул маблағлари банкда, ширкатнинг ҳисоб-китоб рақамида сақланади. Улар пул маблағларини олиш ёки қисман олиш (исталган вақтда депозит шартномасини муддатдан аввал бекор қилиш) шартларида муддатли банк депозитларида (омонатларда) жойлаштирилиши мумкин.

12. Резерв фондининг маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни куйидагилар амалга оширадилар:

тафтишчи, тафтиш комиссиясининг аъзолари, улар ҳар йили молия йили якунлари бўйича Резерв фонд маблағларидан фойдаланилишини текширишлари, текширув натижалари бўйича хулоса тайёрлашлари ва ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши олдида ҳисобот беришлари шарт;

аудитор (аудиторлик текшируви ўтказилган тақдирда).

13. Ширкатнинг исталган аъзоси, шунингдек ширкат аъзоси бўлмаган нотурар жой мулкдори ёзма сўровга кўра Фонд маблағларининг ҳолати ва уларнинг сарфланиши тўғрисида ахборот олишга ҳақли.


14. ХУМШ аъзолари умумий йиғилиши томонидан йиллик ҳисоботнинг тасдиқланиши, хусусан, ҳисобот йилида Фонд маблағларини сарфлаш йўналишларининг тасдиқланишини билдиради.

15. Резерв фондини тугатиш ёки ислоҳ қилиш фақат ширкат аъзолари умумий йиғилишининг қарори бўйича амалга оширилади. Бунда Резерв фонд пул маблағларини сарфлаш йўналиши белгиланиши керак.

16. Мазкур Низом фақат ширкат аъзолари умумий йиғилишининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

ҚУВУРЛАРНИ ЎЗ ҲИСОБИМИЗДАН ТАЪМИРЛАЙМИЗ



Мен кўп йиллардан буён иситиш тизими ишламайдиган кўп квартирали уйда яшайман, ҳолбуки биз иссиқлик таъминоти хизматларига ҳақни мунтазам тўлаб келамиз. ХУМШга қилган шикоятларимиз натижа бермаяпти. Ширкат вакиллари бир марта ҳам шикоятимиз бўйича келишмади, текширув ўтказишмади, далолатнома тузишмади. Қишда биз газ ва электр асбобларини ёқиб исинамиз.

Бу йил ширкатга иссиқлик таъминоти тизимларини таъмирлаш зарурлиги тўғрисида яна ариза ёздик. Бизга: «Уларни ўз ҳисобингиздан таъмирланг. Тўловингизни чекларга асосан материалларга сарфингизни чегириб, қайта ҳисоб-китоб қилиб берамиз. Ишга ўзингиз ҳақ тўлайсиз», – деб жавоб беришди.

Квартирадаги иссиқлик таъминоти тизимлари хусусий мулккимиз ҳисобланадими ёки улар уйдаги умумий мулкка кирадимиз? Иссиқлик таъминоти тизимларини ўз ҳисобимиздан бажаришда ҳужжатларни қандай қилиб тўғри расмийлаштириш мумкин? Биз фирмалар билан шартнома тузмасдан, балки сантехникни ёллаб қувурларни таъмирлатишимиз мумкинми?

Мунира.

– ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 30-моддасида белгиланишича, айрим ҳолларда ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши жой мулкдори томонидан мажбурий бадалларнинг бир қисмини тўлашнинг пул шаклини унинг умумий харажатлардаги иштирокининг бошқа турларига алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бугунги кунда ушбу моддадан амалда барча ширкатлар фойдаланмоқдалар, бироқ кўпинча бу қонун ҳужжатларини бузган ҳолда қилинади, бу эса охир-оқибатда ХУМШнинг ўзи учун ҳам, яшовчилар учун ҳам муаммоларни туғдиради. Бунга йўл қўймаслик учун алоҳида, кам учрайдиган, истисно ҳоллар тўғрисида сўз бораётганлигини, ушбу моддадан фойдаланиш эса меъёрга айланмаслиги кераклигини эсда тутиш керак.

МУЛҚДОР МАЖБУРИЙ БАДАЛЛАРИНИНГ БИР ҚИСМИНИ УНИНГ УМУМИЙ ХАРАЖАТЛАРДА ИШТИРОКИНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИГА АЛМАШТИРГАНДА ХАРАКАТЛАРНИНГ ТАХМИНИЙ КЕТМА-КЕТЛИГИ

1. Ширкат уставига ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 30-моддасини қўллаш мумкинлигини назарда тутадиган банд киритилади.

2. Умумий йиғилиш йиллик ҳисоблаб ёзилган маблағларнинг қандай қисмини қанча муддатга умумий харажатларда иштирок этишнинг бошқа турлари билан алмаштириш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

Ҳар бир аниқ ҳолни кўриб чиқиш ваколатлари бошқарувга берилади.

3. Бошқарув умумий йиғилиш қарорининг баённомасини расмийлаштиради.

4. Мулкдор бошқарувга мажбурий бадалларнинг бир қисмини материаллар ёки ишларга алмаштириш имкониятини кўриб чиқишни илтимос қилиб ёзма равишда мурожаат қилади.

5. Бошқарув мулкдор таклифининг зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқади. Қарор баённома билан расмийлаштирилади ва мулкдорнинг эътиборига етказилади. Қарор ижобий ҳал этилганда бошқарув баённомада қайта ҳисоб-китоб қилиш муддати ва суммасини акс эттиради, материаллар ёки хизматларга кафолат муддати-ни қайд этади, уларнинг сифати, ҳажми, нархи,

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

← қайта ҳисоб-китоб қилиш тартибини белгилайди.

6. Материаллар берилганида далолатнома тузилади, унга уларга доир чеклар ёки квитанциялар ёхуд жорий нархлар тўғрисидаги ахборот кўрсатилган сўров варақлари илова қилинади.

7. Бериладиган моддий бойликлар қийматини тасдиқлайдиган ҳужжатлар йўқ бўлса, бошқарув худди шундай материалларга доир нархлар мониторингини ўтказди.

8. Бухгалтер қайта ҳисоб-китобни амалга оширади.

ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 30-моддаси қўлланилган тақдирда ишлар ижрочиси ким бўлиши масаласини ширкат билан келишиб олиш лозим. У ХУМШ ходимларидан бўлиши ёки сиз профессионал бошқарувчи компания хизматига буюртма беришингиз, четдан мутахассис ёллашингиз мумкин. Бироқ ширкат сизнинг режарингиздан хабардор бўлиши керак, зеро у тўловингизни қисман қайта ҳисоб-китоб қилиб, бюджетдан бадаллар бир қисмини олади. Агар сиз



тасодифий кишиларни таъмирлашга жалб этсангиз, у сифатсиз бажарилиши мумкин. Ижрочини ёлларкансиз, сиз иш сифатининг кафолати тўғрисида ўйлашингиз керак. Акс ҳолда пул ҳавога совурилади, ширкат эса тўловингизни ҳисоб-китоб қилишдан бош тортишга ҳақли бўлади, чунки амалда иш охирига етказилмаган бўлиб, уйда яшовчилар тез орада иситиш тизимини таъмирлаш талаби билан ХУМШга яна мурожаат қилишларига тўғри келади. ○

УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ҚАРОРИГА КўРА

Мен уч йўлакдан иборат икки қаватли уйда яшайман. Яқинда икки йўлакни, квартирам устидаги томни таъмирладим, томдан ёмғир суви тушиши учун тарнов ўрнатдим, уйга туташ ҳудудда 50 кв.метр жойга бетон ётқиздим. Харид қилинган материалларнинг чеклари бор. Бироқ бажарилган ишлар харажатлари ҳужжатлар билан қайд этилмаган. Таъмирлашни тугатишим билан уйимизга хизмат кўрсатадиган ширкат бизга хизмат кўрсатмай қўйди. Энди қилинган ишлар харажатларини қандай қилиб қайта ҳисоб-китоб қиламан?

Алишер.

– Сиз ширкат уйга хизмат кўрсатишдан қандай сабаб билан бош тортганлигини кўрсатмагансиз. Кўринишича, бу кичрайтириш доирасида қилинган, натижада уй катта ХУМШдан ажраб

чиққан ва унинг базасида мустақил ширкат ташкил этилган. Уйда яшовчилар бу ҳақда хабардор қилинмаган, улар ушбу далил билан тўқнаш келганларидан кейин буни билганлар. Агар бу

ҳол тўғри бўлса, уйда яшовчилар ушбу масалани янги ХУМШ доирасида ҳал эта оладилар. Буни **умумий йиғилиш – ширкатдаги юқори орган** амалга ошириши керак. Агар сиз ана шундай кам сонли кўшнилари орасида яшасангиз, келишувга эришиш ва қилинган таъмирлаш харажатларини қандай қилиб ва қандай шартларда қайта ҳисоб-китоб қилиш ҳақида бир қарорга келишингиз осон бўлади. ○



Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

«НОРМА» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ «Солиқ ва боғжона хабарлари» + «Норма маслахатчи» газеталари комплекта 2013 йил учун обуна кампаниясини давом эттириб, мушаррафларга **ОФИСДАН ЧИКАСАНДАН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ.** Ишончли маслахатчининг бўлими газеталарга куйидаги оммавий офертадан фойдаланиб, 2013 йил учун обунани расмийлаштириш мумкин.

20 декабрдан йиллик обуна бўлган ҳар бир обунани куйидаги совғаларни олиш имкониятига эга бўлади:

1. «**Мохир таҳлим**» маълумотлар баэсига кириш. У «Солиқ ва боғжона хабарлари» ҳамда «Норма маслахатчи»нинг электрон версияларини жамлаб, муҳим материалларни тизимлаштирилади. Интернет орқали ҳар ҳафтада янгилаб борилади.
2. **Учта совғабон рисола.** Йил давомида чоп этиладиган рисолаларда ўқувчилар учун фойдали ахборотлар тақдим этилади.
3. **Бевосита мулоқот ўрнатил.** Бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш ва бизнес ишлари юртишининг ҳуқуқий асосларига доир масалалар бўйича обуначиларнинг саволларига экспертларимиз телефон орқали **беғул** жавоб беришди.
4. **Дисконт дастурда иштирок этиш:**
 - «**НОРМА**» газеталари билан бирга 2013 йил давомида иш. рўзгор ва оила учун зарур бўлган кен турдаги товарларни (хизматларни) дисконт дастурининг ҳамкори бўлиши тақкилотлардан 3 фойздан 30 фойзгача чегирмалар билан харид қилиш имконини беради.
 - «**restoran.uz**» дисконт картаси – 2013 йил давомида дисконт дастурининг ҳамкори бўлиши Тошкент шаҳридаги кафе ва рестороноларда 5 фойздан 30 фойзгача чегирмалар олиш имконини беради.
 - «**Notia**» нашриятнинг китобларига 5 дан 30%гача чегирма.
5. «**Мой город. Ташкент**» маълумотнома бизнес-картаси. 11 000 дан ортиқ ташкилот ва улар фаолияти йўналиши ҳақида ахборотни ўз ичига олади. Тошкент шаҳрининг электрон харитасида ташкилотларнинг жойлашувини кўрсатади.
6. «**YELLOW PAGES Uzbekistan**» 2012/2013 маълумотномаси. Унда бўлган ўзбекистон бўйича корхоналар, ташкилотлар ва улар тақдим этган товар ва хизматлар тўғрисида ахборот мавжуд.

ОММАВИЙ ОФЕРТА

1. «НОРМА» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ, бундан кейин Тахририят деб юртилади, мазкур тақлиф билан Тошкент шаҳри ёки республика миқтосларида жойлашган (истикомат қилган), куйида тақлиф қилинган шартларни тўғридан ва сўзсиз қабул қилиши билдирилган шарт (бундан кейин – **Обунани**) билан мазкур **оммавий оферта шартларига мувофиқ 2013 йилга обуна шартномасини (бундан кейин – Шартнома)** тўзишга тайёр эканлигини билдиради. Тахририят ва Обунани биргаликда Тарафлар деб номланади.

2. Обунани мазкур Шартнома шартларини қабул қилган тақдирда, мазкур Шартноманинг иловасида келтирилган шарт бўйича тўлиқлигида унинг ажралмас қисми ҳисобланган бўлган оммавий-ақлеттани (бундан кейин – Ақлетт) жўнатиш йўли билан мазкур оммавий оферта шартлари бўйича обуна бўлишига розилиги ҳақида Тахририятнинг хабардор қилиди. Ақлеттдан барча устунлар тўлиқ, қисқарттирилмас, аниқ-равшан, бошқа хабарлар билан тўлдирилмиш лозим. Ақлетт **244-44-29, 244-18-99, 244-89-17** факслари орқали жўнатилиши ёки **Тошкент ш. Навоий кўчаси, 22-уйда** жойлашган Тахририятга келтириб берилиши мумкин.

3. Факсимил ёзишмалар юридик кучга эга.
3. Тахририят 2013 йил учун Ақлеттда кўрсатилган нашрларга обуна қилиш мажбуриятини, Обунани эса уни расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.
4. Мазкур Шартнома Тахририят Ақлеттни олган вақтдан бошлаб тўзилган ҳисобланди ва кучга кирди ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартлари бажарилиши вақтига қадар амал қилади.
5. Обунани Тахририятта Ақлеттни юборган вақтдан бошлаб 5 (беш) банк кунидан кечиктирмай обуна киймати мазкур Шартнома шартларига биноан тўлаш шарт.
6. Обуна кийматини тўлаш шартлари. Обунани томонидан Тахририят ҳисоб-китоб рақамига пул маблағларини (Ақлеттга биноан белгиланган тўловнинг умумий суммасини) ўтказиш йўли билан ҳақни юз фойз (100%) олдидан тўлаш. Тўлов Тахририят ҳисоб-савига нақд пул билан ҳам амалга оширилиши мумкин.
7. Тахририятнинг ҳисоб-китоб рақамига мазкур Шартноманинг 5, 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган тартибда пул маблағлари келиб тушганидан кейин, Тахририятда Обунанидан келган Ақлетт мавжуд бўлганида, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.
8. Тахририят почта бўлими орқали республика доирасида Обунанига у томонидан мазкур Шартноманинг 3-бандига мувофиқ Ақлеттда кайд этилган нашрларни набағдатдан сон чиқиши билан кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил қилади.
9. Нашрлар ўз вақтида етказилмасда ёки умуман етказиб берилмасда, Обунани тегишли почта хизматига мурожаат қилиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилиши таъминланган тақдирда, Обунани 10 календарь кундан кечиктирилмасдан бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.
10. Етказиб бериш манзили ўзгарган тақдирда, Обунани нашрларни янги манзилга етказиб бериш масаласини почта хизмати билан келишиб олиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар янги манзилга етказиб берилиши таъминланган тақдирда, Обунани 10 календарь кундан кечиктирилмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.

дан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.

11. Ақлетт мўддати **2012 йил 20 декабр**гача қилиб белгиланади. Агар Тахририят томонидан Ақлетт ва пул маблағлари ушбу мўддатдан кечроқ олинган бўлса, Шартнома тўзилмаган деб ҳисобланади, Тарафлар у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзасида келмади. Бундай ҳолда пул маблағлари Обунанига қайтарилади.

12. Шартнома шартларини бажармагани ёки лозим даражада бажармагани учун Тарафлар ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини, 1998 йил 29 августдаги «Ҳужжатли юртишувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» 670-1-сон Қонун ва амалдаги бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларининг қоидаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

13. Обунани томонидан Ақлеттда унинг манзили нотўғри кўрсатилган тақдирда, Тахририят Шартнома шартлари бажарилмагани учун Обунани олдидан жавобгар бўлмайди.

14. Обунани мазкур Шартноманинг 5-бандига кўрсатилган тўлов мўддатига амал қилганда Тахририят обуна кийматини Обунани билан келишмаган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

15. Тарафлар Шартнома шартларини бажармагани ёки лозим даражада бажармагани учун, агар бу Шартнома тўзилганидан кейин, Тарафлар олдидан қўра олган, оқилна чоралар билан олдини олмаган фақулда тўлдириш воқеалар натижасида енгил бўлмас кўч ҳолатлари (форс-мажор) бошланги оқибатида юз берган бўлса, жавобгар бўлмайди.

16. Форс-мажор ҳолатларининг бошлангилиги тўғрисида Тарафлар бир-бирларини улар бошланган пайдан бошлаб 5 (беш) кун мобайнида хабардор қилишлари керак.

17. Мазкур Шартнома шартларини бажариш пайтида вужудга келиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчиликларни Тарафлар музокаралар ўтказиш ва келишувлар йўли билан ҳал қилишлари керак. Келишувга эришилмаган тақдирда, низо кўриб чиқиш учун ҳужжатли ёки ҳақимлик судига (Тарафларнинг келишувига қўра) топширилиши керак.

18. Мазкур оммавий офертда келишиб олинмаган шартлар ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

19. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш мўддати – **2012 йил 20 декабр**гача.

20. ТАХРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«НОРМА» газеталари бирлашган тахририяти, МЧЖ
100105, Тошкент ш., Балмаржон кў., 1/1
Обуна бўлими: 100011, Тошкент ш., Навоий кў., 22
Х/р: 20 208 000 904 921 157 001
Тошкент ш. «Infin BANK» ХОАТБда
Банк коди 01041
СТИР 207121733, ХХТТТ 87100
Тел./факс (371) 200-00-30, 244-44-29.

Баҳодир ҚАНОМОВ,
«НОРМА» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ
Директори.

Бевосита мулоқот

Хотиним 6-синфда синф раҳбарлиги билан шуғулланади. Ҳозирги паллада соғлиги ёмонлашганлиги туфайли бу ишни юрита олмаяпти. Унинг синф раҳбарлигидан олишлари тўғрисидаги аризасига директор рад жавоб берди. Директорнинг ҳаракатлари қай даражада қонуний?
Сергей Владимирович.

СИНФ РАҲБАРЛИГИ – ИХТИЁРИЙ ИШ

– Директор нотўғри иш қилган. Ўзбекистон Республикасининг умумтаълим мактаби тўғрисида низомнинг (ВМнинг 21.11.1995 йилдаги 440-сон қарорига 1-илова, бундан кейин – Низом) V бўлимига биноан мактаб директори куйидаги вазифаларни бажаради:

«ўринбосарларни танлаб, жой-жойига қўяди, уларнинг вазифаларини белгилайди, мактаб педагогик кадрларини жой-жойига қўяди, кабинет ва устахона мудирларини, ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар) ва ўқувчилар фикрини ҳисобга олган ҳолда **синф раҳбарларини** тайинлайди» ва ҳоказо.

Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, **синф раҳбарлиги таълим мактабига педагог ходимнинг асосий вазифалари доирасига кирмайди** ва таълим бериш жараёни билан боғлиқ қўшимча иш ҳисобланади (Низомнинг IV бўлими).

Меҳнат кодексининг (МК) 160-моддасига мувофиқ ходимга белгиланган иш куни мўддати мобайнида, унинг асосий иши билан бир қаторда, қўшимча ишни бажариш топширилиши мумкин, фақат унинг **ёзма розилиги керак.**

Шунга ҳам эътиборингизни қаратамизки, МК 177-моддасининг иккинчи қисмига қўра, иш берувчи ходимдан унинг меҳнат ва-

зифаларига кирмайдиган ишларни бажаришни талаб қилишга ҳақли эмас.

Мазкур ҳолда ходим қўшимча ишни бажаришдан мўддатдан олдин бош тортиш, иш берувчи эса уни бажариш тўғрисидаги топшириқни мўддатдан олдин бекор қилиш ҳуқуқига эгадир, бунда ушбу ишни бажаришдан бош тортиш меҳнат интизомини бузиш деб ҳисобланмайди.

Шу тариха, ходимнинг ёзма розилиги қўшимча ишни бажаришнинг муқаррар шarti ҳисобланади.

Қўриб чиқилаётган вазиятда директор синф раҳбарлиги топширилишини бекор қилишдан бош тортган тақдирда сиз туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига, Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторига ҳуқуқларингиз бузилганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин.

Текширув боришида ушбу ҳуқуқбузарликлар аниқланганда иш берувчи Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасида назарда тутилганидек энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима кўринишида жавобгарликка тортилиши мумкин.

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ,
эксперт-юристингиз.

ЯККАБОШЧИЛИК ҚОИДАСИ АМАЛ ҚИЛАДИ

Битта муассиси бўлган МЧЖ ташкил топди. Директорни тайинлаш керак. Бу қандай ҳужжат билан расмийлаштирилади? Билишимча, баённома муассислар бир нечта бўлганида тузилади. Агар муассис битта бўлса, нима қилиш керак?
Интернетдан муассис битта бўлганида қарор тузилади деган ахборотни топдим. Шу тўғрими? Агар тўғри бўлса, унинг намунасини қаердан топиш мумкин?

Газетхон.

– «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»-ги Қонуннинг (6.12.2001 йилда 310-II-сон, бундан кейин – Қонун) 37-моддасига мувофиқ бир иштирокчидан таркиб топган МЧЖда жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ваколатлари жумласига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар жамиятнинг ягона иштирокчиси томонидан якка тартибда қабул қилинади ва ёзма равишда расмийлаштирилади.

Қонун 30-моддаси иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисига қўра жамиятнинг ижро этувчи органларини тузиш МЧЖ умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига қиради.

Шу тариха, таркибида биргина муассис бўлган МЧЖ директорини тайинлаш муассиснинг ёзма қарори асосида амалга оширилади.

Артём МОКШИН,
«Notia» эксперт юридик хизматининг раҳбари.

Реклама

МЧЖ бошқарув органлари қарорларининг барча зарур намуналари уларни қўллаш амалиётининг тушунтириш материаллари билан биргаликда «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимида келтирилган.

Мазкур тизимдан юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг маъмурий, молия-ҳужалик ва бошқа операцияларини юридик жиҳатдан расмийлаштириш тўғрисидаги тез-тез юзага келадиган саволларга жавоб топишингиз, махсус дастурий модуль ёрдамида эса экспертларга ўз саволингизни беришингиз ва унга жавоб олишингиз мумкин.

